

"ЯШИЛ МАКОН" ЛОЙИХАСИ ДОИРАСИДА КЎЧАТ ЭКИШ ИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Қумқўрғон туманига Ўзбекистон Экологик партиясининг раиси Нарзулло Обломуродов ташриф буюриб, “ Яшил макон” умумиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Туман ҳокими Р.Гаппаров ҳамроҳлигида “Боғора” маҳалласи ҳудудида ташкил этилаётган тутзорда бўлиб, дарахт экиш ишларида ўз ҳиссаларини қўшишди.

Шунингдек, меҳмонлар “Боғора” маҳалласидаги саломатлик йўлакчаси бўйлаб
пиёда юриб, атрофига ҳам манзарали кўчатлар экиш ишларида иштирок этишди.